




БАҲОР ВА НАФОСАТ ТИМСОЛЛАРИ 3

ҚЎШНИНГИЗ ТИНЧ, СИЗ-ЧИ?

 4

БАХТ УВОЛИДАН ҚЎРҚИНГ 6



ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ ТОПШИРИЛДИ 8

ТАҚДИРИМСАН, БАХТИМСАН, ЭРКИН ВА ОБОД ВАТАН!



Назира БОЙМУРОВА сурат-лавҳаси.

Биз ҳам Наврўз байрамига атаб шеър ёдлаяпмиз!

Мустақиллик йилларида хотин-қизларнинг оилада, жамиятда тугган ўрни ва маъқеини янада юксалтириш учун жуда кўплаб салмоқли ишлар амалга оширилди. Президентимиз ва ҳукумати-миз томонидан кўрсатилаётган меҳр ва эътибор туфайли аёлларимизнинг имкони-ятлари кенгаймоқда. Улар ижтимоий ҳаётда ва жамият-да ўз ўрни, нуфузини топиш баробарида, мамлакатимиз-нинг ижтимоий-иқтисодий юксалишига ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қў-шиш учун астойдил инти-лишмоқда.

8 март — Халқаро хотин-қиз-лар куни муносабати билан муҳ-тарам Президентимизнинг биз-ларга йўллаган табриклари од-дий бир фермер аёл сифатида мени ҳам гоёат руҳлантириб юборди. “Мустақил тараққиёт йилларида Ўзбекистонимизни

ҳар томонлама раванк топти-риш, олдимизда турган эзгу мақсадларга эришиш йўлида бутун халқимиз қатори хотин-қизларимизнинг бекиёс ҳисса-си борлигини биз ҳамиша мин-натдорлик билан таъкидла-емиз”, дея Юртбошимиз бизнинг камтарона меҳнатларимизни алоҳида эътироф этдилар.

Бугунги кунда биз хоразм-лик аёллар ҳам ўзимизга кўрс-тилаётган юксак эҳтиром ва эътиборга яраша турли жабҳа-ларда фидойилик намуналари-ни кўрсатишга интиляпмиз. Вилоятимизда 250 дан ортқк аёллар фермер хўжалиқларини бошқариб келаётганининг ўзи ҳам бизнинг салоҳиятимиз ва интеллектуал даражамиз нака-дар юксалиб бораётганини

кўрсатади. Оддий мисол, фер-мер хўжалигимизнинг экин эки-ладиган майдони 65 гектарни ташкил этади. Шундан 30 гек-тарга бугдой экканмиз. 31 гек-тар майдонга пахта экиб, 105 тонна ҳосил олишни мўлжалла-ганмиз. Қолган 4 гектарда саб-заёт экинлари, беда ва мак-кажўхори етиштирсак, чорвачи-лик, паррандачиликни ривож-лантираемиз. Натижада элдош-ларимиз дастурхони тўкин бўлишига ҳам баҳоли кудрат улуш қўшган бўлаемиз.

Фермерлик ва тадбиркор-ликни ривожлантириш бораси-да яратилаётган шароитлар имкониятларимизни кундан кунга кенгайтирмоқда. Мен од-дий қишлоқ аёли — бизларга яратиб берилаётган шароит-

лардан оқилона фойдаланиб, бугун ижтимоий ҳаётда ўз ўрнимни топиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланганимдан, ўзимга билдирилган ишонч ту-файли ер эгаси бўлганимдан фахрланаман. Келгусида дех-қончиликни янада ривожланти-риш баробарида, коллежни битказган ёш қизларимизни иш билан таъминлаш мақсадида тикувчилик цехи ташкил қилиш ниятидаман.

Аёл қайси соҳада ишлама-син, қайси ҳудудда яшамасин, биринчи навбатда унинг зим-масида оналик ва уй бекаси сифатида фарзанд тарбияси, оилаларда соғлом муҳит яра-тишдек залворли вазифалар туради. Бундай масъулиятли ва шарафли бурчни бажариш учун



Муносабат

эса ҳар биримиз ҳамиша уйғоқ қалб билан яшашимиз, астой-дил ишлашимиз керак. Фер-мер, тадбиркор ва раҳбар си-фатида камтарона меҳнатлари-миз билан юртимиз тараққиё-тига оз бўлса-да ўз улушимиз-ни қўшаётганимиз ҳам фар-зандларимизнинг бағри бутун бўлиб улғайишига, биздан ўрнак олиб, келгусида олдила-рига юксак мақсадлар қўйиши-га туртки бўлади. Меҳнатлари-мизнинг ҳосили — баркамол фарзандларимиз мамлақати-миз ривожига ҳисса қўшади-ган ҳар тарафлама етук кадрлар бўлиб улғайсагина, бугунги эътибор ва меҳрга муносиб жавоб қайтарган бўлаемиз.

Ҳанифа МАТКАРИМОВА, Хоразм вилояти Богот туманидаги «Дилшода, Дилшодбек, Манзура» фермер хўжалиги раҳбари.

Инсоннинг биринчи эҳтиёжи нималардан иборат?

Бу саволни сизга тўсатдан бериб қолишса, ўша пайтдаги ҳолатингиз бўйича жавоб беришингиз мумкин. Қолаверса, «аввал иқтисод...», деган фикрни келтиришингиз ҳам табиий. Ҳақиқатан ҳам шундай бўлса керак. Бундан бир неча ўн йиллар аввал инсон эҳтиёжлари хусусида алоҳида бир фан яратган, турли тоифага мансуб минглаб аҳолини ўрганган олим, руҳшунос Маслоу ҳам инсоннинг биринчи навбатда қорни тўқ бўлиши лозим, деган тўхтамга келган. Бугун дунё кенгашида олимнинг ушбу ўрганишлари Маслоу миносаси (эҳромлари) сифатида шуҳрат қозongan. Шундан сўнг инсон уст-боши бут бўлишини, ўзини табиат ҳодисаларидан ҳимоя қилишни истади, кейин бошланаси ҳақида қайғуради, дея фикр билдиради олим. Шу эҳтиёжлар қоплан-

ҳар биримизни ташвишга солади.

— Утган йиллардаги оилавий ажралишларни таҳлил қилар эканмиз, ушбу ҳонадонларда кўпроқ қайнона-келин моҳоролари, ўзaro келишмовчиликлар устун келаётганини кузатиш мумкин, — дейди Каттакўрғон шаҳар хотин-қизлар кўмитаси раиси Ҳабиба Салойдинова. — Йигит-қизларнинг оилавий турмушга тайёр эмасликлари, ҳали рўзгор масъулиятини тўла тушуниб етмаганликлари ҳам оилалардаги хотиржамликка путур етказмоқда. Иқтисодий қийинчиликлар ва бошқа сабаблар ҳам бор.

Бугун ушбу ҳолатларнинг олдини олишда, оилаларнинг хотиржамлигини таъминлаш, қизларни оилавий ҳаётга тайёрлаш эъзасидан кенг қўламли ишлар олиб борилмоқда. Жойларда хотин-қизлар кўмиталари, «Маҳалла» жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа қатор

Жараён

бой туман хотин-қизлар кўмитасининг таҳрибаси, яъни туман ФХДБ бўлимларига оталиқни белгилаш, ёлғиз оналикни қайд этиш, ажралишлар бўйича қилинган ҳар қандай мурожаат аввало туман-шаҳар хотин-қизлар кўмитаси қошидаги комиссияда муҳокама қилиниши, оилани ўрганиб чиқиб, хулосаларни ФХДБ, суд бўлимларига юбориш тизимини қатъий йўлга қўйиш белгилаб берилди.

Афсуски, олиб борилган кенг қўламли ишларга қарамай, жойларда нотинч оилалар, ажралишлар сони ортганини кузатиш мумкин. Мисол учун вилоят миқёсида нотинч оилалар 2012 йилда аввалги йилга нисбатан 27 тага кўпайган. Айниқса, Самарқанд, Каттакўрғон шаҳарларида, Жомбой, Қўшрабат, Каттакўрғон, Оқдарё, Пайариқ, Пастдарғом туманларида бундай оилалар сони ошгани қайд этилган. Оилавий ажримлар масаласи ҳам худди шундай.

Шу ўринда куйидаги рақамларни ҳам келтириш жоиз. Оилаларнинг моддий аҳолини яхшилаш мақсадида ўтган йили вилоятдаги 1241 та ёш оилалар учун жами 10 миллиард 621 миллион сўмлик кредитлар, яъни уй-жой куриш ва сотиб олиш учун 3,6 миллиард сўмлик, маиший техника буюмларни ҳарид қилишга 2,4 миллиард сўмлик истеъмолад кредитлари, тадбиркорлик, чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш учун 4,4 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Туманлардаги 2,8 мингта кам таъминланган оилаларга 56,0 мингта парранда етказиб берилди.

Вилоятдаги 1094 та маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида вилоятдаги оилаларнинг мустаҳкамлигини таъминлаш, ёш оилаларнинг ажралишларини олдини олиш мақсадида «Оилаларга кўмаклашиш маркази» ташкил этилди.

Таъкидлаш керакики, бугун оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида, уларнинг моддий-маънавий эҳтиёжларини таъминлашда мамлакатимизда изчил, тизимли ишлар амалга ошириляпти. Шу ўринда савол туғилади: ҳўш, оилаларнинг илк эҳтиёжлари нималардан иборат экан? Гарчи аксариятимиз бу саволга моддий эҳтиёжлар деб жавоб берсак-да, аммо статистика бунинг тексарисини кўрсатиб турибди. Инсоннинг маънавий дунёқарashi, оилага масъуллиги, ҳаётга реал қарashi, сабр-матонати, ҳаёт чиғирикларидан ўтишдаги иродаси — булар оила мустаҳкамлиги, турмушимиз тотувлигида муҳим ҳижатлар экани айна ҳақиқат.

Гулрух МҮМИНОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири.
Самарқанд вилояти.

ЭҲТИЁЖЛАР МИНОРАСИ

ёхуд оиланинг маънавий-моддий пойдевори қандай қурилади?

гач, инсон меҳр-муҳаббатга талпинади, ўзадаги қобилиятларни намоён қилиш, маънавий дунёқарашини кенгайтиришга киришар экан. Гарчи олимнинг ушбу «миносаси»да баҳсда жиҳатлар бўлса-да, аммо бу тушунча ҳали-ҳамон дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланиб келинмоқда. Руҳшунослар инсонни шу тушунчага қиёслаб ўрганмоқдалар.

Биз олимнинг бу хулосаларига қарши фикр билдирмоқчи эмасмиз. Фақат уни оилалар миқолида таҳлил қилмоқчимиз, холос. Ҳўш, оилаларнинг илк эҳтиёжлари нималардан иборат? Уларнинг тинч-тотув, хотиржамлиги асослари нималарда кўринади?

— Оилалар учун биринчи навбатда эр-хотиннинг ўзарo ҳурмати, бир-бирини тушуниши муҳим аҳамиятга эга, — дейди фахрий педагог Гулчехра Очилова. — Бир-бирини ҳурмат қилмаган жуфтлик ўртасида ҳар кун жижал кўтарилиш мумкин. Бизнинг менталитетимизга кўра аёлларга кўпроқ масъулият тушади. Сабаби, унинг нафақат турмуш ўртоғи, балки, келин бўлиб тушган жойи, қайнонаси, қайнота, хуллас, янги қариндошларига ўз ўрнида ҳурмат қўрсатиши ва уларнинг ҳам меҳрига сазовор бўлиш каби масъулиятни адо эта олиши ҳам муҳим.

Шу ва шунга ўхшаш фикрлар доимий равишда такрорланишига, қизлар бўлгуси оилавий ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёрлаб борилишига қарамай, кейинги йилларда оилавий ажралишлар, нотинч оилалар сони ортиб бораётгани

ташкilotлар ҳамкорлигида ўқув муассасаларида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласида қатор тарғибот ишлари олиб борилляпти.

Мисол учун, 2012 йил давомида махсус жамоатчилик кенгаши аъзолари томонидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, соғлом турмуш тарзи масалалари бўйича 172 та коллеж, лицейларга, 856 та мактабларга, 356 та маҳаллаларга «Бўлажак келин-куёвларга», «Ёш ота-оналарга», «Она сутининг аҳамияти», «Камқонлик ҳақида нималарни биласиз?», «Мен бахтли она бўламан» каби мавзуларда тайёрланган маълумотлар аҳолига тарқатилди.

Маҳаллий жамоатчиликнинг ролини ошириш борасида 160 нафар ёлғиз оналар ва 135 нафар оталиқни белгилаш, 210 та оилавий ажрим ҳолатлари сабабларини ўрганган ҳолда уларнинг олдини олиш чоралари бўйича 134 та маҳаллада тушунтириш ишлари олиб берилди.

Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан ўқув муассасаларида жамоатчилик асосида «Ораста қизлар» тўғараги ташкил этилди. Тўғарақнинг мақсади ёш авлодда табиий маданиятни ошириш, айниқса ёш қизларнинг турли оилавий низоларга сабаб бўладиган саломатлиги ва оилавий тутуми билан боғлиқ ҳолатларнинг қамайишига эришидир.

Қолаверса, аҳоли ўртасида оиланиқо муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш, оилаларда ижтимоий-маънавий муҳитни яхшилаш борасида Жом-


ТОЛЕИ БАЛАНД ҲУНАРМАНД

Бухоролик Феруз Курбанов рассомликнинг миниатюра санъатига меҳр қўйганида ҳали беш ёшли болакай эди. Бу йўлда ўқиб ўрганишдан чарчамади. Устозларининг ҳар бир сабогини кунт билан ўзлаштирди. Ҳозирда у Бухоро шаҳридаги «Олтин мерос» халқаро хайрия жамғармаси қошидаги «Кўқалдош» мадрасасида ҳунарманд рассом сифатида фаолият юритмоқда.

У 2012 йилда «Меҳр нури» халқаро хайрия жамғармаси томонидан «Кичик ва ўрта тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастурининг ғолиби бўлгач, 2,5 миллион сўмлик пул муқофоти билан тақдирланди.

— Санъатга, ижодга бўлган қизиқиш менга дадамдан мерос бўлиб қолган, — дейди Феруз. — Чунки у киши ҳам рассом эдилар. Афсуски, болалигимда қазo қилганлар. Онамнинг айтишларича, дадам устахоналарида ижод қилаётган пайтда мен уларнинг олдида кетмай, ўзимча бир нималар чизиб ўтирарканман. Бу соҳага қизиқишим ўша вақтдан бошлангандир балки.

Учинчи синфгача шахримиздаги Рудакий номли 33-мак-



табда, кейин эса 9-синфгача Бухоро тасвирий ва амалий санъати лицейида тахсил олдим. Устозларим Бекмурод Ҳақимов, Бехзод Қобилов, Жаҳонгир Ашуровлардан миниатюра санъатининг сир-асрорларини ўргандим. Лицейимиз доирасида амалий ва тасвирий санъат беллашувларида қатнашиб, бир неча бор фахрий ёрликларни қўлга киритганман.

2012 йили портретларимни «Меҳр нури» халқаро хайрия жамғармаси томонидан «Кичик ва ўрта тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришга қаратилган грантлар» дастурига юбордим. Вилоятимиздаги 120 нафар номзоддан 3 нафари республика босқичига йўланма олди. Шу ғолиблардан бири мен эдим. Кейинги босқичларда ҳам ижодкордан ўта нозик чизгиларда чўқур моҳиятини ифодалай олиш талаб этиларди. Бу синовлардан муваффақиятли ўтиб, ғолибликни қўлга киритдим. Ҳозирги кунда жамғарма томонидан берилган маблағни ўз фаолиятимни кенгайтириш ва ривожлантиришга сарфляпман.

— Феруз нозик дидли, сергайрат ва шижоатлиги билан тенгдошларидан ажралиб туради, — дейди рассом Бекмурод Ҳақимов. — Айниқса, унинг «Алишер Навоий ижодига назар», «Бобурнома» тилидан, «Шам» номли портретлари жиддий эътирофларга лойиқ. Унинг чизгиларида тарихий муҳит билан ранглар уйғунлигини кўриш мумкин. Миниатюра мусавирликнинг энг нозик ва ўта мураккаб тури бўлса-да, Феруз сабр-тоқат билан ишлаб, ўзининг бетакрор асарлари билан бизларни қувонтиришига ишонаман.

Барно МИРЗААҲМЕДОВА,
«Оила ва жамият» муҳбири

«НАВРҮЗ — 2013»

ОБОДОНЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Гўзаллик, озодалик ва орасталани яхши кўраемиз. Шу боис баҳорги юмушларни энг аввало уйимиз атрофини кўкаламзорлаштириш, ерга гул уруғларини қадаш, манзарали ва мевали дарахт кўчатларини экишдан бошлаймиз. Бугун юртимизнинг бар-



хайрли ишларга мамлакатимизда фаолият олиб бораётган барча давлат ва нодавлат ташкилотлари, кенг жамоатчилик ўз хиссасини қўшмоқда. Яқинда «Ўзбекистон масъулият фуқаролар Форуми» ҳам НАВРҮЗ байрамини муносиб нишонлаш мақсадида республикамизнинг барча ҳудудларида «Ўзбекистон — менинг уйим» ободонлаштириш ойлигини ўтказиш ташаббуси билан чиқди.

Ободонлаштириш ойлигининг ўзига ҳослиги шундаки, унинг доирасида аҳоли турар жойларини кўкаламзорлаштиришга йўналтирилган «Ҳар кишидан бир кўчат», кўчаларни ёритиш мақсадида «Ойдин кўчалар», Саховат уйларида яшовчи кексаларга эътибор қаратиш учун «Қарияларга минг эъзоз» каби хайрли тадбирлар ўтказилмоқда.

Ҳовли, кўча ва маҳалла тозаллиги, озодалигини сақлашга интилиш халқимизнинг азалий қадриятларидан саналади. Асрлар давомида шаклланган бу анъана истиқлол йилларида янада сайқал топиб, оммалашиб бормоқда. Шу боис, юртимизнинг қайси бир манзилга йўлингиз тушмансан, кўчалар, ҳовли ва мактаблар, маҳалла гузарларини обод қилаётган, гул ва кўчатлар экиб, атроф-муҳит мусавфолигини таъминлаётган хамюртларимизни учратасиз.

Миллий қадриятларимиз асосида тарбияланаётган ёшларимизга болалигиданоқ кексаларни ардоқлаш кераклигини сингдирамиз. Яқинда Навоий вилоятида «Қарияларга минг эъзоз» акцияси ўтказилди. Саховат уйида яшаётган, ақилларини йўқотган нурунийлар, юртимиз тараққиётига муносиб хисса қўшган меҳнат фахрийлари шарафига байрам дастурхони тузалди, ташкilotчилар томонидан совғасаломлар топширилди.

Жиззаҳ вилоятида ўтказилган «Ойдин кўчалар» акциясида Ш. Рашидов проспекти, Ҳ.Носирова, О.Азимов номли ва Шифоқор кўчаларида 212 та тунги ёритувчи чироқлар алмаштирилди.

Самарқандда ўтказилган «Ҳар кишидан бир кўчат» акциясида эса вилоят ҳокимлиги томонидан ажратилган бўш ётган ерларга 300 дан ортқ мевали дарахт кўчатлари экилди.

Ободонлаштириш ишларини ташкиллаштиришда ва унга кенг жамоатчилик эътиборини қаратишда жойлардаги ҳокимликлар, тадбиркорлар, болалар мусиқа мактаблари ва Маданият уйларининг ижодий жамоалари, «Тошшаҳарнур», «Ўзбекистон ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми» ахборот марказлари ва жамоатчилик кенгашлари фаол иштирок этишмоқда.

Шунингдек, мазкур лбйиҳа доирасида сув йўлларини тозалаш, болалар майдончаларини таъмирлаш, ёш истеъдодларни кашф қилиш каби бир қатор хайрли ишларни ҳам амалга ошириш режалаштирилган.

Дилфуза АЛИМҲҲАЕВА.

Бугуннинг аёли қайси соҳада фаолият юритмасин, юз-кўзларидан бахт нури ва ғайрат-шижоат ёғилади. Унинг эртанги кунга ишончи мустаҳкам. Оиласининг тинчлиги, фарзандлари келажагидан кўнгли тўқ. Негаки хотин-қизларнинг мамлакат тараққиёти йўлидаги меҳнати, жисмонан соғлом, маънан етук, билимли ва салохиятли авлодни тарбиялашга қўшаётган ҳиссаси муносиб баҳоланмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ижтимоий-иқтисодий ҳолатини яхшилаш, оила ва жамиятдаги мавқени мустаҳкамлаш, саломатлигини муҳофазат қилиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самараси бугун уларнинг ижтимоий фаолиятида яққол кўзга ташланмоқда. Илм-фанда излашлар олиб бораётган олимпиада, тиббиёт, маданият, спорт, санъат, таълим, қишлоқ ҳўжалиги, қўйинги, барча соҳаларда фидокорона меҳнат қилаётган аёлларимизнинг сафи тобора кенгаймоқда. Депутатлар, сенаторлар, фермерлар, тадбиркор ва ишбилармон аёллар, етакчи корхона ва ташкилотларга раҳбарлик қилаётган хотин-қизлар, кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш, йўлида меҳнат қилаётган аёлларимиз мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида ўз ўрнини мустаҳкамлаб бормоқда.

7 март куни пойтахтимиздаги "Туркистон" саройида Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўтказилган тантанали йиғилиш ҳам юртимизда хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодаси бўлди, десак арийдим. Унда турли соҳаларда кўп йиллардан бери самарали меҳнат қилаётган аёллар, жойлардаги хотин-қизлар кўмиталари фаоллари, диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар, депутатлар, сенаторлар, вазирилик ва идоралар, жамоат ташкилотлари-

БАҲОР ВА НАФОСАТ ТИМСОЛЛАРИ



нинг вакиллари, меҳнат фаришталари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари иштирок этдилар.

Тадбир қатнашчилари дастлаб Мустақиллик майдонида бўлиб, Истиқлолимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи — Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гулдаста қўйдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими Р.Усмонов очди. Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат

маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Бир чимдим меҳр ва эътибор аёлининг кўнглини тоғдек юксалтиради. Юртбошимизнинг "Аёл зотиға, айнан сизларга мансуб гўзал фазилатлар, ҳаётимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик ва меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби инсоний туйғуларни янада юксалтириш, фарзандларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш йўлидаги эзгу интилишларингиз, бекиёс

хизматларингиз учун бутун юртдошларимиз, халқимиз номидан барчангизга таъзим қилишни ўзимнинг шарафлиқ бурчим, деб биламан", деган пурмаёно сўзлари барча хотин-қизларимизга ўзгача рағбат бахш этди ва келгуси ютуқлар сари руҳлантириб юборди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар кўмитаси раиси Э.Боситхонова Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга муносиб шарт-шароитлар яратиш, оила, оналик ва болаликни муҳофазат қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади.

Юртбошимиз хотин-қизларнинг турмуш шароитларини янада яхшилашга, уларга муносиб шароитлар яратиш, оғирини енгил қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Бу бордаги ишлар кўлами "Обод турмуш йили"да янада кенгаймоқда.

Президентимиз ташаббуси билан қизларнинг билим ва салоҳиятини ошириш, қобилиятини рўйбга чиқариш мақсадида таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти фан, таълим, санъат ва маданият, адабиёт йўналишида юксак муваффақиятларга эришган иқтидорли қизларнинг орзу-интилишларини рўйбга чиқармоқда. Ушбу нуфузли мукофот совриндорлари бугунги кунда жамиятимизнинг фаол аъзолари сифатида турли соҳаларда самарали меҳнат қилишмоқда. Олий ўқув юртида билим олиш билан бирга янги-янги ютуқларни қўлга киритишмоқда. Натижада, изларидан бўй тортиб келаётган, вояга етаётган қизларга чин маънода ўрнак-ибрат бўлишмоқда.

Йиғилишда Президентимиз қарорига мувофиқ жорий йил-

Байрам шуқуҳи

да Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган 14 нафар қизга ушбу юксак мукофотлар тантанали равишда топширилди.

Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари — Қорақалпоқ давлат университети журналистика факультети 1-босқич талабаси Айшолпан Оразимбетова, Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежи 3-босқич ўқувчиси Сарвиноз Шайдуллаева хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш уларнинг жамият ҳаётидаги фаоллигини янада ошириш борасида кўрсатилаётган доимий эътибори ва ғамхўрлиги учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди.

Зулфияноним издошлари сафига қўшилган — Бухоро давлат университети қошидаги академик лицейнинг 1-босқич ўқувчиси Нафосат Жўрабекова, Андижон вилояти Олтинкўл Агроиқтисодиёт коллежи 2-босқич ўқувчиси Саидабону Абдусаломова Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг "Мушоира" шеърини ўзбек ва инглиз тилида ўқиб берди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Шерзод Ғуломов, республика "Маҳалла" хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг раиси Жавдат Иноғомов мамлакатимизда хотин-қизларни аъзойлаш борасидаги ишлар Ватанимизни янада обод этиш, соғлом авлодни юзга етказиш, оилалар фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилаётганини таъкидлаб, хотин-қизларни байрам билан табриклиди.

Санъат усталари ва ёш ижрочилар томонидан намойиш этилган концерт дастури тантанали йиғилишга ўзгача файз бағишлади.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси И.Собиров, Қонунийлик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев иштирок этди.

Ўз мухбиримиз.

ЗУЛФИЯ НОМИДАГИ

ДАВЛАТ МУКОФОТИ СОВРИНДОРЛАРИ:

Оразимбетова Айшолпан Муратбай қизи — Қорақалпоқ давлат университетининг 1-босқич талабаси

Абдусаломова Саидабону Зиёвуддин қизи — Андижон вилояти Олтинкўл агроиқтисодиёт коллежининг 3-академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси

Матмуродова Ирода Бахтиёр қизи — Жиззах давлат педагогика институтининг 3-босқич талабаси

Абдуллаева Гулҳаё Абдуллаевна — Республика рассомлик коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Тўймуродова Нигора Ғафур қизи — Навоий давлат педагогика институтининг қошидаги академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

Рашидова Шохиста Расул қизи — Наманган транспорт ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Суярова Камила Собировна —

Самарқанд педагогика коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Абдурасулова Маҳзуна Шавкат қизи — Гулистон давлат университети қошидаги 1-академик лицейининг 2-босқич ўқувчиси

Шайдуллаева Сарвиноз Жуманазаровна — Сурхондарё вилояти Ангор педагогика коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Таирова Мухаббатхон Махмуд қизи — Тошкент вилояти Бекобод маъшии хизмат касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Умаралиева Фаридохон Мухсинжон қизи — Фарғона вилояти Данғара саноат касб-хунар коллежининг 3-босқич ўқувчиси

Роҳатова Сабоҳат Умидбек қизи — Хоразм вилояти Хонқа маъшии хизмат ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежининг 2-босқич ўқувчиси

Рўзиева Робия Нажот қизи — Тошкент молия институтининг қошидаги академик лицейининг 1-босқич ўқувчиси.

Кутлаймиз!

Истиқлол йилларида юртимизда ёш авлодни тарбиялаш, камол топтириш учун яратилаётган имкониятларни улар қўлга киритаётган ютуқлар сарҳисобидан ҳам англаш мумкин. Таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича мамлакатимиз дунёнинг 147 давлати орасида иккинчи ўринни банд этиб турганлигининг ўзиёқ бу борада Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ўз самарасини бераётганлигини яна бир қарра исботлайди.

Республикада чет тилларга қизиқиш ҳам кундан-кунга ортиб бораётгани, омма томонидан фаол ўзлаштирилаётгани қувонарли ҳолдир. Аммо тил ўрганишда фақатгина интилишнинг ўзи етарли эмас. Бу борада юртимизда ҳар томонлама пухта ишларни қабул қилинган қарорлар ҳам муҳим ўрин тутди. 2012 йилнинг 10 декабрида Юртбошимизнинг "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Бу айниқса, чет тили ўқитувчиларининг зиммасига катта масъулият юклайди. Мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши баркамол авлод тарбиясига дахлдор мураббийлар, ота-оналар

Қарор ва ижро

ҳамда хорижий тилларда сабоқ бераётган ўқитувчиларни беҳад қувонтирди.

Мазкур қарорнинг аҳамиятли жиҳати шундаки, чет тили ўқитувчилари ихтисослигига чекка ҳудудларда яшаётган аҳоли орасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тавсияномалари асосида олий таълим муассасаларига мақсадли қабулни амалга ошириш белгиланган. Шунинг-

дек, ушбу қарорда чет тили ўқитувчилари ва муаллимларини молиявий рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Унга қўра, қишлоқ жойларда ишлайдиган чет тили ўқитувчиларининг ойлик маошига ҳар ойда 30 фоиз, бошқа таълим муассасаларида 15 фоиз миқдорда устама қўшимчалар бериб борилади. Бу аввало ёшларнинг хорижий тилларни ўрганиши, чуқур билим олишларини таъминлаш ҳамда ўқитувчилар меҳнатини муносиб рағбатлантиришда ўзига хос хайрли қадам бўлди.

Матлуба НЕҒМАТОВА,
Каттақўрғон шаҳар
1-сон ДНИ катта нотариуси.

ҚЎШНИГИЗ ТИНЧ, СИЗ-ЧИ?

Қўшничилик муносабати кўп асрлардан бери қадрланган, шаклланиб келаётган энг гўзал аъёнларимиздан бири ҳисобланади. Улуғ айтилганларимиздан бири "Учоғингни қўшнингнинг деворига тираб қурма, тутунини кўзини ачиштирса, еган овқатинг ҳаром бўлади", деб ёзганида минг бора ҳақдир. Бувию оналаримиз таом пиширганда қозон бошидан қўшнилари учун бир косагина насиба ажратиб, меҳр илинишган. Ҳозир ҳам бу гўзал аъёнани ардоқлаб келаётган, бир-бирига суяч, тиргак бўлаётган танти қўшнилари жуда кўп орамизда.

Беш кўл баравар бўлмаганидек, бир-бирига таъна дашномлар ёғдириб, арзимаган гап-сўзлар бахонасида ойлаб, йиллаб аразлашиб юрган қўшнилари ҳам топилади. Боғидаги пишиб етилган мевасидан ҳамсоясига илиниш у ёқда турсин, сўраб чиққанда ҳам юзни ўгириб кетадиганлар ҳақида эшитганда эса одам беихтиёр ёқа ушлади...

Тошкент вилоятининг Бекобод туманида яшовчи Шоҳиста опа шундай ҳикоя қилади:

— Бу воқеани шу пайтгача бировга айтмагандим. Қўшничилик минг йилчилик, деган гап бор. Аммо ҳар кун кўзинг кўзига тушиб тургандан кейин яхшилигим, ёмонлигим эсдан чиқмас экан.

Иккинчи ўғлим нимжонроқ туғилган эди. Беш, олти ёшида қаттиқ бетобланиб қолди. Кўрсатмадан дўхтиримиз қолмади. Аммо ҳеч ким дардига даво тополмагач, тақдирга тан бериб, уйда ўзим қарай бошладим. Аҳволи тобора ёмонлашарди.

Ёзининг охири кунлари... Ҳовлидаги сўрида осмонга термилиб ётганди, томоғидан сувдан бошқа нарса ўтмайди. Бир маҳал кўзлари ҳавасланиб қўшнимизникига ишора қилди. Қарасам, девор оша фарқ пишган ҳусайни узумлар олтиндек товланиб турибди. Боламининг егулик сўраганидан суюниб, музлаткидаги узумдан илитиб, олиб чиқдим. Аммо уни емай, қўшнингнинг узумига термилиди, денг. Нима қиларимни билмай қолдим. Чунки бу ҳамсоям кўчиб келганига беш-

...Қадимда бир одамнинг уйида сичқон кўпайиб кетибди. Танишига дардини айтса, "Мушук олиб бок", деб маслаҳат берибди. Шунда ўша киши бироз ўйлиниб туриб, "Мушук боқсам, сичқонлар кўрқиб қўшнимизникига қочса, уларга ҳам зарар келтиради-да", дея жавоб берган экан...



олти йил бўлганига қарамай, ҳеч кимга қўшилмас, юзма-юз келиб қолганимизда ҳам совуқина сўрашиб ўтиб кетарди. Бозорга чиқай десам, аксига олиб ҳамма ишда, ўқишда, бола-йақ қараб турадиган ҳеч ким йўқ. Чидаб туролмадим. Кичкинагина идишни олиб, минг истихола билан ҳамсоямнинг дарвозасини қоқдим. Эшикни уй бекаси очди. Қисқагина салом-алиқдан сўнг каловлана-каловлана унга вазиятни тусунтирдим.

Аёлнинг қошлари чимирлиди, тезгина гапимни бўлиб, "Дадаси ишда эдилар, у кишидан сўроқсиз ҳеч нарса беролмайман", дея эшикни қарс этиб ёпиб қўйди. Бундай муомала-ни кутмаганим учун бир муддат қотиб қолдим. Ўзимни камситилгандек ҳис қилдим. Бетоб боламининг истагини адо этолмаганим учун жуда мунгайдим... Оллоҳнинг қароматини қарангки, хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, орадан 10-15 дақиқа ўтар-ўтмас бошқа бир қўшним кўлида янги узилган ҳусайни узум билан ўғлимни кўргани келиб қолса бўладими. Ўша пайтда қанчалик суюнганини сўз билан тасвирлаб беролмайман.

Кўнгил экан-да, бир қўшнимнинг саховат ва меҳри иккинчи қўшнимнинг хасислигини ювиб кетди. Яхшиям ора-мизда кенг феълли одамлар кўп, дея ўзимга таскин бердим. Муқаддас динимизда ҳам

қўшнингнинг ҳақиқа хийнат қилиши, уни ранжитиш, ҳаловатини бузиш ва кўмак сўраб келганида ёрдам қўлини чўзмаслик қаттиқ қораланган.

— Қўшнилари билан жуда оқибатлигим, — дейди **термизлик Зилола опа**. — Айниқ-на, ҳамсоямиз Исмияхоннинг ён қўшнисига қилган марҳаматини бутун маҳалла-кўй, ҳатто қавм-қариндошлар ҳам алқаб-алқаб эслашади.

Ширин сўзи, хушмуомаласи билан ҳаммага ибрат бўладиган қўшнимиз Ойгул опанинг қизи Дилбарга бадавлат хонадонинг ўғлидан совчи келди. Ойгул опа бизни ҳам чақирган экан, Исмияхон билан биргалишиб чиқдик. Совчи сира очилиб гаплашмас, хўрайиб ўтирарди. Афтидан ўғли уни маж-бурлаб бу ёққа юборгани кўриниб турарди.

Исмияхон гапга чечан аёлмасми, таниш-нотанишни қулдириб даврани роса қиздирди. Бир маҳал совчи хотин чимирлиб Ойгул опага қараб, "Қизингизни мана шу каталак-дек уйдан узатмоқчимисиз?", деди. Қўтилмаган саволдан ҳаммамиз жим бўлиб қолдик. Ойгул опа нима даярини билмасди. Шу пайт Исмияхон даб-дурустан, "Вой, нега унақа дейсиз, манави данғиллама уюстқаям шуларники-да, опа-жон. Ҳозир ичинги таъмирлашарди. Икки-уч кунда кўчиб кирашарди", дея ўз уйига ишора қилди. Сўнг ҳаммага бамайли-

Мулоҳаза

хотир кўз ташлаб, бош ирғарган, ўзининг гапини ўзи маъқуллаб қўйди. Совчиларнинг хейраси очилиб, "Маслаҳатлашиб олинглар, яна келамиз", деб кетишди. Уларни кузатгач Ойгул опа хўрсиниб:

— Буларга ўзи келин керакмикин, ёки уйимизни, тушунмадим?! Сиз ҳам бизни мазаҳ қилгандек нега йўқ гапни гапирдингиз Исмияхон? — деди.

— Мен Дилбар қизимизга ишонаман. У яхши келин бўлиб, қайнонасининг кўнглига йўл топади. Бир кунлик тўй эса ўтади, кетади. Шундай экан қизингизнинг бахтини уйланг. У яхши келин бўлса, отангнинг уйи кўримсиз экан, деб қайнонаси ҳайдаб солмас. Уй масаласига келсак, тўй маросимларининг барчасини ўтказиб олгунингизгача бизнинг ҳовлимиз сизларники.

Шундай ҳам бўлди. Ойгул опа қизининг бахти учун ҳаммасига кўнди. Тўй жуда чиройли ўтди. Дилбар ўзининг чаққонлиги, ширин сўзлиги, пазандалиги билан қайнонасининг меҳрини қозонди. Қуда хола ҳам яхши аёл экан, кейинчалик ҳамма сирдан воқиф бўлса-да, бунга Дилбарнинг юзига солиб, таъбини хира қилмади.

Гоҳида ўйлаб қоламан, агар ўшанда Ойгул опа қудасининг гапига яраша боллаб жавоб қайтарганида ёки Исмияхон индама-а-айгина воқеанинг охири қандай туғашини кузатиб ўтирганда, балки ҳозир бир бахтли оила барпо бўлмасмиди? Исмияхон қатта савобга қолди. Ана шундай бағри кенг қўшнилари кўпайсин-да.

Дано халқимизда "Қўшнинг тинч, сен тинч", "Гилам сотсанг ҳам қўшнингга сот, бир четиди ўзинг ўтирасан", деган ажойиб иборалар бор. Тасаввур қилинг, уйингиз нотинч бўлса, бошингизга кулфат тушса, ҳатто отанангиздан ҳам олдинроқ "Тинчмисиз қўшни", деб хабар олгунгизнинг, тўй-маърақада, ташвиш тушган пайтда ҳам жон-жигарларингиздан аввал чиқиб ҳол сўров-чингиз, яхшимиз-ёмонми оғрингизни энгил қилув-чингиз шу қўшнингиз-да...

Ҳўш, азизлар, сизлар-чи, қўшнингиз билан аҳил-иноқ-мисиз, ёки?.. Фикр-мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг, кўнғирок қилинг.

Гулноза БОБОЕВА,
"Оила ва жамият"
мухбири.



МУШАК — бу сўзнинг тилимизда "муқул" деган маъноси бор. Шунингдек, тантаналарда осмонга отиладиган, хилма-хил, ажиб ранглар ҳосил қилиб портлайдиган снаряд деган маъноси ҳам бор.

"Мушак" сўзининг туб маъноси жуда қизиқ. Бу сўз аслида "сичқонча" деган мазмунни англатган.

Собир ака.. оғир меҳнатдан эгилган, қўллари қадоқ, мушаклари чайир бўлиб кетган.

Жуманиёз Шарипов

Осмон қаърига отилиб чиққан қизғиш ва тўқ яшил мушаклар қавада бир жом зар бўлиб сочилиб кетди.

Одил Ёқубов

КУТВОЛ — мумтоз асарларимизда, тарихий манбаларимизда бу сўзга кўп дуч келамиз. Бу сўз тилимизга асли ҳинд тилидан кириб келган бўлиб "кўрғон соқчиси" "қалъа ва шаҳарнинг соқчи гуруҳлари бошлиғи" деган маънони англатади.

Қалъанинг кутволи ул занги, Кутволи сипехрдек ранги.

Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достонидан

КАЙВОНИ — тилимизда ёши улуғ, кўпни кўрган, кўп нарсани биладиган кишиларга нисбатан "кайвони" сўзи қўлланади. Луғатда изоҳланишича, "кайвон" сўзи форсийда Зухал юлдузининг номини аңглатар экан. Шунингдек, бу сўзнинг "баланд айвон", "қорача" деган маънолари борлиги ҳам таъкидлаб ўтилган.

Кайвони момо келини тўйловчиларга салом бердира берди.

Тоғай Мурод.

Эшқобил ШУКУР тайёрлади.

ҲИКМАТ

Кимки бахт-иқболли, солиҳ кишиларнинг этагини тутса, у албатта муродига эришиб, хайру барака топади.

Абулқосим аз-ЗАМАШНАРИЙ

Тошкент ахборот технологиялари университети талабачи Тўрақуллов Акмал Султонович номига берилган №34012 рақамли рейтинг дафтарида йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА • РЕКЛАМА

«ЎКТАМХОН-НУР» ўқув маркази

қуйидаги ўқув курсларига тақлиф этади:

Тикувчилик — 3 ой, бошловчилар — 6 ой.
Тўй ва оқшом либослари — 1-2 ой.
Аёллар костюм-шим, плаш-пальто — 1-2 ой.
Ҳамшира — 6 ой, 4 ойи ўқиш, 2 ойи амалиёт.
Ҳамшира (тезкор) — 3-4 ой (амалиёти билан).
Тиббий массаж — 2 ой. Нўқтали — 1 ой.
Торт ва пишириқлар — 2 ой.
Торт олий курси — 1 ой.
Уйғур, Европа таом ва салатлари — 1 ой.
Аёллар сартарошлиғи — 3 ой.
Тўй ва оқшом турмақлари ва макияж — 1 ой.
Бухгалтерия ҳисоби — 3 ой.
Элита парда ва чойшаблар тегиш — 1 ой.
Элита парда ва чойшаблар тегиш олий курси — 1 ой.

Сартарошлик — 2-3 ой (ўғил болалар учун).
Гўзаллик салонига тайёрлаш — 1 ой.
Каштачилик — 3 ой (машинкада вышивка).
Тўқувчилик — 2-3 ой.
Инглиз тили — 3 ой, Рус тили — 3 ой.
Бисер, яъни мунчоқ тегиш — 2 ой.
Декоратив гул, сарпо кути ва саватлар ясаш — 2 ой, Бисердан гуллар, дарахтар ясаш — 2 ой.
Карвинг (мева ва сазавотлардан композиция ясаш) — 3 ой.
Компьютер сабоқлари — 2 ой, Интернет — 1 ой.
Барчаси амалиёти билан. Ётоқхона мавжуд.

Ўқишни тугатганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛ: Юнусобод тумани 3-мавзе 1-уй 31-хона.

МЎЛЖАЛ: Юнусобод дехқон бозори бош тарафи орқасида.

Тел: (8 371) 221-17-95, 221-77-72, +99894 678-50-30 225-97-93 (18⁰⁰ дан 22⁰⁰ гача).
ФИЛИАЛ МАНЗИЛИ: Ҳамма тумани Фарғона йули кўчаси 4-уй 40-хона. МЎЛЖАЛ: Қўйлик кийим бозори рўпарасида. ТЕЛ: (8371) 295-97-82, +99894 678-50-30 (кундузи)

— Оиладан улугроқ маскан бўлмаса керак, — дейди Бўка туманидаги Янгиобод маҳалласида истиқомат қилувчи Кумри опа Ҳожиматова. — Асли касбим педагоглик. Салкам йигирма йил мактабда ўқувчиларга дарс бердим. Турмуш ўртоғим Раҳимжон ака билан бир ёстиққа бош кўйганимизга 34 йил бўлибди. Бу оилага биринчи келин бўлиб тушганман. Қайнонам ва қайнотамдан ташқари яна иккита катта қайнотам ва буви қайнонамнинг кўнглига қарашим, хизматини қилишим керак эди. Кўлдан келгунча катталар дуосини олдим.

Умр йўлдошим турли вазифаларда ишлади. Эракк киши кўчанинг одами деган гап ҳам бежиз айтилмаган. Лекин оиланинг калити доим у кишининг кўллариди бўлди. Узи табиатан қаттиққўл, талабчан



бўлсалар-да, фарзандларига жуда меҳрибон. Уч қиз, бир ўғлимизга тўғри ва яхши тарбия берганимиз учун улар ўқинишли, хунарни бўлишди.

Хукуматимиз томонидан яратилган имкониятлардан кенгроқ фойдаланиш учун 2005 йилда "Асл-Абор" фирмасини ташкил этиб, унинг қошида "Зилола" тамаддихонасини очдик. Саккиз нафар ишчимиз эл хизматида. Раҳимжон ака ободонлаштириш ишларини яхши кўради. Қаердан озгина бўш жой топса, мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини экади.

Оиламга, яқинларимга берган меҳрим бугун менга бахт бўлиб қайтди. Етти неварам — етмиш минг қувончим. Одаларга меҳр бериб, кенг фёъл билан яшайверсангиз бахтингиз бутун бўларкан.

— Оиламиз чирого, дуогу-йимиз бўлмиш қайнонам Кумринисо аям бу йил тўқсонинчи бахорни қаршиляптилар. У киши ҳар доим юртимизга тинчлик ва осойишталик тилаш баробарида деҳқончилик ва чорвачиликка ҳам кут-баракат тилайдилар, — дейди Бўка туманидаги "Умрзоқ Абдужалил" фермер хўжалиги раҳбари Гулнора опа Раҳимбердиева. — Турмуш ўртоғим Абдужалил ака билан бир умр бир-биримизни тушуниб, бамаслаҳат ҳолда умр кечирганимиз туфайли фарзандларимиз ҳам бизлардан ибрат олишяпти.

"Эрингиз нега уйланиб олди?", деб сўрашди аёлдан. Уялаиб беришди бу саволни. Шундоқ ҳам эзилди тамом бўлган юракни баттар эзишди. Эгилган бошини баттарроқ эгишга мажбур қилишди. Баъзан дунёда сўраб бўлмайдиган саволлар, айтилиши имконсиз жавоблар ҳам бор.

Узи тушулмаган саволга қандай жавоб бериши? Йўқ жавобни қаердан олсин? Кўпчилик ҳақиқат деб билган айрим нарсаларда баъзан ноҳақликлар мавjud. Чунки эрининг уйланиб олган

ИСТИҚЛОЛ МАЛИКАЛАРИ

Уларга муболагасиз ана шундай ном берсак арзийди. Негаки, мустақиллик йилларига келибгина мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида хотин-қизларнинг қадри тикланди, обрў-нуфузи ортди. Биз бугун сўз юритмоққа чоғланаётган аёлларнинг ҳар бири ҳақида қалин-қалин китоблар ёзиш, кино ва фильмлар суратга олиш мумкин. Бири ўқитувчи, бири фермер, бошқаси эса тадбиркор ва ҳамшира... Кўйинги, ҳамма соҳада бундай фойдалар кўп. Улар ўзлари яшаётган Тошкент вилоятидаги туман ва қишлоқларда, маҳалла-кўйларда кўлларида келгунча эл дуосини олиб яшашяпти.

Уйимиздаги бир бош сигир-бузоқни парваришлаб, улар сонини бугун эллик бошга етказдик. Уша маҳаллари "Дада-си, бизнинг ҳам бошқалардан кам жойимиз йўқ, фермер хўжалик ташкил этсак, фарзандларимизнинг келажаги бундан-да фаровон бўлармиди", деб маслаҳат қилганимда у киши бажонидил рози бўлдилар. 2000 йили "Барот Умаров" фермерлар уюшмасидан ўн гектар ер майдони олиб, фермер хўжалиги ташкил этдик. Кейинчалик ер майдонимиз 22 гектарга етди. Биргина ўтган йили 8 гектарлик пахта майдонидан мўл ҳосил кўтариб, йиллик режани 147 фоизга бажарган бўлсак, 10 гектар галла майдонидида етиштирилган ҳосил ҳам чакки бўлмади. Чорвачи-



лик соҳасида ҳам бир қатор ютуқларга эришдик. Туманимиздаги бешта мактаб, болалар боғчалари билан тузган шартномага асосан 18 тонна сўт махсулоти етказиб беришга муваффақ бўлдик. 2006 йилда ўн минг тупдан иборат тут плантациясини ташкил этгандик. Тут кўчатлари етилиб, ипақ курти боқишда жуда асқотмоқда. Ободонлаштириш мақсадида мингдан ортиқ терак кўчатлари экдик. Улар ҳам бўй чўзиб, аллақачон иморатга ярайдиган бўлиб қолди. Насиб этса, бу йил қорамоллар учун замонавий кўринишдаги айвонлар, янги иморатлар, қуришни ният қилиб турибмиз. Банкдан кредит олиб ишларимизни ривожлантиришни мўлжаллаялмиз.

Беш нафар фарзандим, куёвларим биз билан елкама-елка туриб эл фаровонлигини таъминлаш йўлида хизмат

қилишяпти. Ўн нафар неварам ҳам ҳадемай қанотимизга киради. Бугунги тўкин ва тўкис турмушим учун бизларни ҳамиша ардоқлаб, тўғри йўлга бошлаган қайнонам Кумринисо онажонимдан беҳад миннатдорман. Эндиликда онамизнинг атрофида 30 нафар неварам, 50 нафар чеваралари парвона.

Фурсатдан фойдаланиб, сеvimли газетамиз орқали юртимиздаги барча оналар, опасингилларимни 8 март — Халқаро хотин-қизлар байрами билан чин дилдан табриклайман.

Куйи Чирчиқ туманидаги Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғинида саккиз ярим мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Бир минг етти юзта хонадонда 22 миллатга мансуб инсонлар ягона оила фарзандларидек ахил-иноқ турмуш кечиршмоқда.

Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мунаввархон опа Атахонова сира тиниб-тинчимайдиган фойдалардан бири. Ҳамиша аёлларнинг саломатлигидан, яшаш шaroитидан хабардор бўлишга интилади.

— Бизнинг қишлоқдаям ибратли аёллар кўп, — дейди Мунаввар опа. — Қишлоқ врачлик пункти катта ҳамшираси Олимахонов Исмомилова қарийиб 25 йилдан бери ҳамшираликнинг саломатлиги йўлида тиним билмай хизмат қилиб келаяпти. Кимлигидан қатъи назар, бировнинг иситмаси чиқибди ёки боши ёстиққа тегибди, деган гапни эшитса борми, кечани кеча, кундузни кундуз деб ўтирмайди, шу заҳотиёқ йўлга тушади. Турмуш ўртоғи Норийегит ака ҳам қишлоқнинг куйинчак инсонларидан бири. Касби ветеринар.

— Оиласи тинч бўлган одамнинг ишида ҳам ҳамшира



унум, хайр-баракат бўлади, — дейди Олима Исмомилова биз билан суҳбатда. — Турмуш ўртоғим менинг ишлашим учун ҳар доим рағбат беради. Уч қиз, бир ўғлимизни тарбиялашда қайнонам яқиндан кўмак бергани учун, мен тезда ишга чиқиб кетардим. Мана бугун фарзандларим — Мунира, Айжан, Уролбек, Хуснораларни ўқитиб, касб-хунарни қилдик. Қизларим ўз соҳаларидан ташқари яна уч-тўртта хунариям эгаллашди. Яхши ният билан замонавий иморат қуришга бел боғлаганимиз, йил охиригача битказиш ҳаракатидамиз.

ҚВПмиз "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида тўлиқ барча ускуналар билан таъминланган. Ҳафтанинг ҳар чоршанба куни аёллар кўригини йўлга қўйганмиз. Худудимиздаги ободонлаштириш ишларига ҳам бошқош бўлишга ҳаракат қилаялмиз. Оиламиз саодати, аёлларимиз ва болаларимиз саломатлиги йўлидаги хайрли уридишларимизнинг ҳеч бири бе-самар кетмаяпти. Уйларимиз файзга тўлиб, турмушимиз кундан-кунга фаровонлашиб бораёпти.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш борасида яратиб берилаётган имконият ва имтиёزلардан унумли фойдаланаётган аёллардан бири Ўрта чирчиқлик тадбиркор Дилфузахон Холиқованинг амалга ошираётган ишлари ҳам таҳсинга сазовор.

— Турмуш ўртоғим Азизбек аканинг бевақт вафоти барчамизни эсанкираган қўйди. Унга

қаттиқ суяниб қолган эканман. Нима қиларимни билмасдим. Аммо кўз ёш тўкиб, аза тутиб ётаверишдан ҳам наф йўқлигини англадим. Негаки, фарзандларим Маликахонов ҳамда Камолахоннинг ҳам кейинги ҳаётини уйлашим керак эди-да. Азизбек ака анча вақт елиб-югуриб, ҳаётлик пайтида "Мал-Азиз-Нувориш" гишт заводини ишга туширган эдилар. Шу ишни давом эттирсан, уларнинг ҳам руҳи шод бўлар, қолаверса, фарзандларим ҳам бировнинг кўлига қарамасин, деган ниятда иш бошладим. Эски қурилмаларда юритилаётган заводни тўхтовсиз юритишнинг ўзи бўлмади. Турли идора, корхоналар эшигида гоҳ ишларим битар, гоҳида кўз ёшлар билангина кифояланиб ортимга қайтардим. Ишларим юришмаган кезларида онам Дилбар опа энг яқин суянчигим бўлди. Заводнинг ён-атрофини чиқиндилардан тозалаб, боғ яратдик. Йиллар сабримни синади, матонатимни неча маротаба букишга уринди-ю, урдасидан чиқмади...

Аёл ҳаёт қозонида қайнаб етилди. У бошқараётган "Мал-Азиз-Нувориш" корхонасининг фаолияти бугунги келиб анча юришиб кетди. Натижанда шу маҳаллада яшайдиган фуқаролардан 20 нафари иш билан таъминланди. 2010 йили "Микрокредитбанк"нинг Пискент тумани филиалидан олинган кредит замонавий печ қурилишида жуда асқотди. 2012 йили куриб битказилган айланма печ жорийида бошлаб ойига 70-80 мингта пишққ гишт ишлаб чиқариш имкониятига эга бўлади.

Юртимизнинг қайси бир



қишлоқ, овулига борманг, янгилиниш, кўзларни қувнатгучи ўзгаришларга гувоҳ бўласиз. Тошкент вилояти худудида барпо этилаётган намунавий лойиҳадаги уйларнинг қурилишида ҳам бугун биз мухтасаргина сўз юритган замонавий Дилфуза Холиқованинг камтарин хиссаси бор.

Бир сўз билан айтганда, юрт тараққиётига, элдошларимизнинг тинч ва хотирхам, соғу саломат умргузаронлик қилишларига баҳоли қудрат улуш қўшиб келаётган ана шундай жонқуяр хотин-қизларимиз ҳамиша омон бўлсинлар!

Нигора УРОЛОВА,
"Оила ва жамият"
муҳбири,
Тошкент вилояти.

ЖАВОБСИЗ САВОЛ

ни ҳақиқат, буни ҳамма кўриб турибди. Аммо шу ҳақиқатнинг ноҳақлиги таранг юзларга ажин, қоп-қора сочларга оқ, юракка санчик солиб улгурди.

Бўйи етиб қолган қизидан тортиб, энди тили чиқа бошлаган гўдакларини меҳри билан тўйдирди. Муҳаббат билан кийинтиради. Ўзини ўтга уради, чўққа уради...

Аммо...Эртага келин бўладиган

қизига ўз оиласига вафо қилмаган ота қандай фотиҳа бераркин? Нима деб оқларкин?

Анави болакай бир куни кўчадан: "Дадам қанақа одам? У қаерда?", деб сўраб келса, нима дейди?

Уйламай беришди бу саволни. Балки дам ишга, дам бозорга, дам дўконга юргунган оёқлар жавоб бераар? Гоҳ бешикка, гоҳ қапгирга, гоҳ кир ювишга тунинган қўллар жавоб бераар?

Йўқ, улар ҳам жим. Аёл нима дейди? Чунки дунёда сўраб бўлмайдиган

саволлар, айтилиши имконсиз жавоблар бор.

Ориятдан, номусдан шундоқ ҳам эгилган бошини баттарроқ эгишга мажбур қилишди.

Эзилган юрагини баттарроқ эзишди. Уйламай беришди бу саволни.

"Эрингиз нега уйланиб олди?", деб сўрашди аёлдан.

Каримабегим АШУРОВА

Мамлакатимизда ёшларнинг келажаги бугунгидан-да ёруғ ва нурли бўлиши учун мустақкам замин кўйилмоқда. Уғил-қизларимизнинг билим олишлари, хунар ўрганишлари, етук мутахассис бўлиб мустақил ҳаётда, жамиятда ўз ўрнини топишлари учун барча имконият ва имтиёзлар жорий қилинган. Ун икки йиллик мажбурий таълим тизими фикримизни яққол исботлайди. Маълумки, умумтаълим мактабининг 9-синфини тамомлаган йигит-қиз акаста, или йўлини танлаши – академик лицейларда тахсилни давом эттириши, истаса, бирор касб-хунарнинг бошини тутиши мумкин. Замон талабларига мос шарт-шароитга эга билим даргоҳлари ва касб-хунар коллежлари улар ихтиёрида.

Аммо бундай имкониятлардан самарали фойдаланишни истамаётган ёшларимиз ҳам учраб турибди. Хусусан, эрта турмушга узатилётган қизлар бизнинг ана шундай оғрикли нуқталаримиздан бири бўлиб қолмоқда. Тўғри, бу ҳақда нуфузли минбарларда, матбуот саҳифаларида кўп марта бонг уриляпти. Айтилаётган танқидий фикр-мулоҳазалардан кимдир тўғри хулоса чиқаряпти, кимдир эса...

Наманган шаҳрида яшовчи Камоланиннг ҳикояси:


— Ҳали коллежда ўқийдиган яқин дугонаминг дабдабали тўйини, келинчакнинг ҳаммадан чиройли бўлиб кетганини кўриб, ота-онаминг мени ҳам узатиш ҳақидаги фикрларига қарши чиқолмадим. Турмуш куриш деганда ҳаёлимга энг гўзал либосни кийишим, кувё билан давра тўрида ўтиришим, тўйдан кейин ҳам ялтир-юлтир кийимларни кийиб юришим ҳақидаги ширин тасаввурлардан бошқаси келмасди. Айрим нарсалар — келин бўлгач, эрим ва қайнонамнинг кўнглини олишим, рўзгор ишларини эплашим шартлигини ўйлаб кўрмагандим ўша лаҳзаларда...

Тўй бўлиб ўтди. Эҳтимол, мен ҳам ҳаммадан чиройли келин бўлгандирман, лекин бугун афсусдаман. Коллежнинг учинчи босқичига эндигина ўтгандим. Келин бўлиб бололигим, дугоналарим, интиқлик билан кутадиган сабоқларимдан ихтиёрсиз равишда воз кечишга мажбур бўлгандим. Энди мен эгали кул, бутун инон-ихтиёрим қайнонам ва эримнинг измида эди.

...Дўхтирлардан шифо тополмаётган қизининг дардига даво излаб, йилт этган умид пайдо қилган табиби, муллаю дуохонми, бормаган жойи қолмаган Кавсар опа Лангардаги нафаси ўткир домланинг таърифини эшитиб, сўраб-суриштириб топиб борди.

Пишиқ гиштдан қурилган катта иморатнинг кираверишида одам қабул қилишга мўлжаллаб қурилган кичкина хонага тикилиб ўтирган ўн-ўн беш чоғли одамлар орасига қизи билан зўрга суқилиб кириб олган Кавсар опа ўтирганларнинг қўлларидagi исирик, чой, туз идишлари ва сув солинган идишларга кўзи тушиб, шуларга дам солинишни эшитган, дарвоза олдида ул-бул нарса сотаётган чолдан ҳалиги нарсаларни икки баробар қимматига сотиб олиб, яна ичкарига кирди. Ёшу қари аралаш ўтирган даврада пўрим кийинган иккита эркака кўзи тушди-ю, бундай жойларга эркакаларнинг ҳам келиши бежизмаслигини

БАХТ УВОЛИДАН ҚЎРҚИНГ



Рўзгорнинг адоғсиз юмушлари, қайнонамнинг ўқишга бориш ҳақида оғиз очсам, гап билан узиб олишларидан юрагим зада бўлиб борарди. Қайнонам ўқишга юборган тақдирда ҳам кечки овқатга тансиқ таомлар пишириш кераклигини тайинларди. Айтганини қилмасам, эримдан яхши гап эшитмасдим. Шу сабабдан коллеждаги машгулотларнинг ярмини ўтиб-ўтмай уйга қайтишга мажбур бўлардим. Ҳомиладор бўлгач, баттар кийнала бошладим. Икки куннинг бирида тобим қочарди. Бир томондан бетоблик, иккинчи томондан эрим ва қайнонам, қайнсингилларимнинг аччиқ-тирсик гаплари, уй ишлари мени тобора толиқтириб борарди. Энди мен учун беғужра, беташвиш дамларим — коллежда ўқиб юрган пайтларим ширин тушга айланганди...

Коллеждаги курсдошларим амалиёт даврини ўтаб, ўйнаб-қулиб юрганларида, мен касалхонада жон талашиб ётардим. Ҳомиладор етти ойлик туғилди. Уни шифокорлар жарроҳлик йўли билан дунёга келтиришди-ю, аммо бевақт туғилган гўдагим атиги уч кунгина яшади...

Йигирма кундан ортиқ шифохонада соғлигимни тиклашимга тўғри келди. Фарзандим нобуд бўлгач, боз устига дўхтирлар яна она бўлишим учун менга камида уч йил кераклигини айтишгач, эрим ва қайнонамнинг муносабати кескин ўзгарди. Аввал ҳам

ўйлаб, ҳали дийдорини кўрмаган, овозини эшитмаган дуохоннинг қабулини ишонч ва ихлос билан кута бошлади.

Эрим соатлар вақт ўтгандан сўнг баланд бўйли, ёши ўтинқираган бўлса-да, ёшли-

бола бўлган икки аёлнинг кичиги уч-тўртта эркакнинг қиёфаси туширилган расмни кўйиб, илгаридан қатнаб, бу эрининг бироз тафтини олган шекилли, бир оғиз ҳам гапирмасдан, мана шу одамга ҳам

мўлжалдаги беш мингни узатди. Дуоғўйнинг пулларни ҳар кимнинг қўлидан биттама-битта санаб олаётганини кўрган ориятли қизи онасининг "ҳай-ҳай"ига қарамасдан, яна беш мингни узатди. Даврадаги ҳалиги она-боланиннинг пулларини кўшиб узатишганини кўриб, "Бу ерда қанча? — деб сўраган домла, — Ўн минг, — деган жавобни олгач, — Расм учун алоҳида берасизлар", деди қатъий оҳангда. Бу гапга ҳеч қандай эътирозсиз ва ҳеч қўйналмасдан яна беш мингни сумкасида олиб, хурмат билан узатган аёлу қолган барча эътиқод эгалари ҳаммага соғлиқ тилаб хонадан чиққан домланиннинг ортидан гўё бор дарду хасталиклари шу ерда қолаётгандек, ўзларини бирқадр енгил ҳис қилганча хонадан чиқишди.

Шунча жойдан ихлос қилиб келган одамнинг нари борса беш дақиқалик дуоси учун олдидан баланд нарх белгилаб, ўн беш мижоздан тортинамасдан пул териб ўтиришига ҳайрон бўлиб турганида

яхши эмасди-ю, лекин шундан кейин улар очик-ошкора мени касалманд ва тугмас келинга чиқариб қўйишди. Хўрликлар жон-жонимдан ўтиб кетди, ота уйимга кетишдан бошқа чорам қолмади...

Дугоналарим шу йил ёзда коллежни тамомлашди. Қўплари ишлаяпти. Улар энди бирин-сирин турмушга чиқишяпти ва бахтли бўлишяпти. Мен пуч ҳаёлларга ишониб, бахтли бўлишга бироз шошибман. Ҳар ишнинг ўз фурсатида бўлгани яхши экан. Бугун эридан ажрашган аёл номини олиб, ота уйда ўтирибман...

Бундай даҳшатли хатоликка йўл қўйишда мен ота-онамни айбламайман. Чунки улар агар мен рози бўлмаганимда, ҳеч қачон мажбурлаб узатишмасди. Ҳаммасига ўзим айбдорман...

Эътибор бераясизми муҳтарам замондош! Икки йўл ўртасида азоб чекаётган Камоланиннг аламли хулосалари энг аввало ҳар бир ота-онани, қолаверса, эндигина катта ҳаёт оstonасига қадам қўяётган ёш қизларни ўйга толдириши табиий. Бу мавзуда сўз юритаётганда, катталар йўл қўяётган хатоларни ҳам тилга олмасликнинг имкони йўқ.

Ўзим жўқандан танийдиган бир аёлнинг учта ўғли бор. Тўнғичи шу йил институтни битирди, ишлаяпти. Опа шу фарзандининг бошини иккита қилиб қўйиш тараддудига тушганидан бери қариндош-уруғлар, қўшни аёллар келин танлашади. Бу оила ҳар жиҳатдан тўқис бўлгани учунми, қўплари ўзининг жиънларини тавсия этишади.

Куни кеча яна шу ҳақда гап очилиб қолди.

— Сиз қизни бир кўринг, опахон, шунақа чиройлики. Бундан ортиқ қизни қаердан топасиз? Оиласи ҳам сизга мос...

— Қиздан гапиринг, неча ёшда? —

Бугуннинг гапи

аёлнинг сўзини кесди бўлажак қайнона.

— Ёши... Ишқилиб, коллежда иккинчи йили ўқияпти-да, айни узатиладиган ёшда! Сиз уни бир кўр...

— Бўлмади!

— Вой, ҳали қизни кўрмай туриб нега бўлмади дейсиз?

— Йўқ дедимми, йўқ. Мен қизнинг уволидан кўрқаман. Уғлимнинг ёши йигирма учда, унга ҳеч йўқса, йигирма ёшли қизни олиб бераман.

— Хато қиласиз, келиннингиз қанча ёш бўлса, уни эгиб олиш шунча осон бўлади. Ҳали бошингизга тушмаганди, бунга билмайсиз...

Бўлажак қайнона кўшнинг гапига парво қилмай хайрлашди-да, уйига кириб кетди. Унинг ортидан кимдир у деди, кимдир бу. Лекин мен шу аёлга ҳавас қилдим. Қанийди, оналар шундай фикрласа!

— Бир неча йилдан бери коллежда дарс бераман, — дейди Соҳиббахон исмли ўқитувчи аёл. — Кейинги пайтда айниқса аёллар ўртасида галати бир нарса урфга айлана бораёпти. Кап-катта хотинлар коллежга келишадди-да, яхши қизлар бўлса кўрсатинлар, келинликка излаб юрүвдик дейишади. Мен уларга «Барака топ-гурлар, бу ер коллеж, илм маскани-ку, совчилар кутиладиган жой эмас. Устига-устак вояга етган қизлар эмас, аксинча ҳаммаси ҳали ўқувчилар», дейман. Айримлари мендан очикчасига хафаям бўлиб кетади. Уларнинг «кутилмаган ташрифи» қизларимизга ҳам таъсир кўрсатмай қолмайди. Шу ҳақда коллежда гап тарқалса, айримларининг юриш-туриши, кийиниши, безаниши бошқа бўлиб қолади...

Менимча, қизларни эрта турмушга узатишнинг олдини олиш учун аввало, катталар онгига тўғри тушунча сингдириш керак. Ҳар бир фарзанднинг пешонасига албатта, бахт битилган. Мен бунга ишонаман. Ота-оналарнинг шошма-шошарликлари эса бу бахтни йўқотиши мумкин.

Жонқуяр муаллимнинг куйиниши бежиз эмас. Агар у айтганидек, қизларимиз билан бирга уларнинг ота-оналари юрагига нафақат фарзандининг, балки бахтнинг ҳам воли бор эканини етказса олсак, мақсад сари энг катта қадамни ташлаган бўлар эдик.

Шахло ТОШБЕКОВА.

Бўлган воқеа

ўлганнинг устига тепган қилиб, оддий қоғоз учун ҳам алоҳида пул сўраганини кўрган Кавсар опа ёнидаги кимсалардан фаркли ўларок, худди орқасидан биров қувлаётгандек, хонадан шошиб-пишиб чиқа бошлади.

Қўпларнинг гапига кириб, қанча жойларга бориб, биронтасига ихлос қилмаган қизига обрўли танишларининг оғзидан эшитган ушбу «нафаси ўткир» дуоғўйга етти марта қатнашини шарт қилиб қўйганини эслаб, буёғи нима бўлади, деган ўй билан ич-этгани еяётган Кавсар опага кечкурун қизи телефон қилди.

— Ойи, ҳар бир ўқиган дуоси учун пул белгилаб қўйган одамнинг кўзи оч экан, ундан ихлосим қайтди, илтимос, энди дўхтирга бораёлик, — деганини эшитиб, ўзининг содда, ҳар кимга ишонувчанлигидан уялиб кетди...

Гулсара ИБОДУЛЛОХ

ИХЛОС — ХАЛОС БЎЛМАСА...

ги билан хайрлашишга қизганаётган одамдек тик қоматини кўз-кўз қилиб, виқор билан кириб келган қизига ҳамма ўрнидан диқ этиб туриб, салом берди. Саломга ўзига яраша тавозе билан алик олиб, хонаниннг тўридаги креслогга бориб ўтирган домлани кўрган Кавсар опаниннг ҳаёлидан бунча калондимоғ бўлмасая, деган галати савол ўтди. Дуога қўл очган домланиннг олдига боядан бери ҳеч кимга эътибор бермай, ўзлари билан овора бўлиб, нималаридир шивирлашаётган, афтидан она-

ўқиш керак, дегандек биттаганин бармоғи билан ушлаб кўрсатди.

Кўзларини юмган ҳолда баланд овозда қироат билан ўқийтиб, бир ўнг томонига, бир чап томонига қараб, «куфсуф»лаётган домла ҳар гал расмга ҳам туфлаб қўйишни унутмади. Одамни чарчатар даражага чўзилмаган, аксинча ҳар доим эшитиб юрганларидан ҳам қисқароғидан айтилган дуо тугагандан сўнг пул йиғаётган домланиннг қўлига ҳар бир «ташриф»нинг қанчаллигини олдидан сўраб билган Кавсар опа қизи учун



ГИГАНТЛАР

Тез зерикувчанлик феъли туфайли ичсоният янги информацияларга доимий эҳтиёж сезади. Шу боис одамлар бир-бирларини хайратга солиш учун нималарни ўйлаб топишмайди дейсиз. Масалан, оддий нарса-буюмларнинг, ўсимлик, мева ёки бошқа жонотларнинг улкан макет ёки ҳайкалларини олайлик.

Дунёнинг хамиша яшил ҳудуди ҳисобланмиш Австралияда бу каби гигант нухсаларга тез-тез дуч келасиз. Улкан банан макети уларнинг дастлабки нухсаси бўлиб, Харбор шаҳрида катта йўл бўйидаги тамаддиҳона ҳовлисига ўрнатилган. Бу манзара ҳар қандай йўловчининг эътиборини тортади. Шу тарзда гигант буюмлар яратиш аёнага айланиб кетди.

Жануби-шарқий Квинслендда каттакон ананасни кўрсангиз, баҳайбат олтин гитарани кўриш учун Темворт шаҳрига йўл олиш керак.

Квинсленднинг Дэйнтри кишлоғида эса ажойиб экзотик ресторан фаолият юритади. Бу ердаги таомларнинг ўзига ҳослиги уларнинг тиссоҳ, кенгуру ва бошқа жонворларнинг гўшларидан тайёрланиши билан белгиланади. Ката баррамуни, яъни катта оқ денгиз олабуға балиғининг макети айнан шу ресторанига кириш жойининг тепасига ўрнатилган.

ҚАТЛАМА КЎЛ

Россиянинг Мурманск вилоятидаги Кильдин оролида "Сукунат" ("Могильное") деган антиқа кўл мавжуд. У дунёдаги ягона қатлама кўл ҳисобланади. Гап шундаки, бу кўлда табиатнинг яна бир гўзал синоати, яъни ҳам шўр, ҳам чўчук сув қатлами кузатилади. Кўлнинг жанубий қисмидаги кориз орқали денгиз сувининг мунтазам оқиб кириши туфайли икки хил сувнинг меъёрий қатлами ҳосил бўлади. Бу табиий ҳодиса минг йилдан бери ўзгармай келади.

Кўлнинг қатламалиги фақат икки хил сув билан белгиланиб қолмайди. Шўр



сув асида чўчук сувни бир неча турдаги бошқа қатламлардан ажратиб туради. Кўлнинг сербалчиқ тубида сероводород элементининг катта миқдордаги қуйқаси ястаниб ётади. Шу боис кўл тубида ҳаёт йўқ. Балки шунинг учун ҳам кўл "Могильное" деб номлангандир.

Иккинчи қатлам эса ўзининг ажойиб гўзаллиги билан ажралиб туради. Яъни, бу қатламни қирмизи бактериялар ташкил этади. Улар ёз кунларида кўл сувига пуштиранг тус бериб туради. Шунингдек, бу бактериялар калкон вазифасини ҳам ўтайди, яъни сероводородни ютиб, ўзидан юқоридаги қатламларга ўтказмайди.

Учинчи қатлам шўр сувдан иборат бўлиб, 32 фоиз таркибини туз ташкил қилади. Тўртинчи қатламда шўр ва чўчук сув аралашиб туради. Ва ниҳоят, энг юқорида 4-5 метр қалинликдаги шаффоф чўчук сув қатламини кўрамиз.

Дарҳақиқат, ушбу хусусиятлари туфайли "Сукунат" кўли табиатнинг гидрологик ёдгорлиги ҳам деб номланади.

Наргиза СИДДИҚОВА тайёрлади.

**БОЛАМГА ОТА,
МЕНГА СУЯНЧИҚ
БЎЛСА...**

Ёшим 33 да. 28 ёшимгача ўқидим, ишладим. Кўнглимдаги йигитни учратиб турмушга чиқаман деган умидда яшадим. Бир дугонам хорижлик йигитга тегсам, бахтли бўлишим мумкинлигини маслаҳат берди. Шу орада тақдирни қарангки, тасодиф туфайли чет эллик йигит билан танишиб қолдим. Кейин уйдагиларимга бу ҳақда айтдим, улар бу янгиликни негадир совуқ қабул қилишди. Мен эса барибир унга розилик билдирдим. Шу орада хорижда тўйимиз бўлди. Аввалига жуда аҳил-иноқ, бир-биримизни еру кўкка ишонмай бахтли яшадик. Орадан бир ярим йил ўтгач, ўғлим туғилишидан бир ойча олдин Ўзбекистонга келдим. Чунки мен эрим билан қонуний никоҳдан ўтмаган эдим. Шу боис боламнинг ҳужжатларини тўғрилашга анча вақт кетди. Эрим билан кунора телефонда боғланиб турардик. Нимадир бўлдию, ўн кунча умуман гаплаша олмадим. Шунанга сиқилдимки, охири бир кунни ўзи кўнғироқ қилганида "Қачон бизларни олиб кетасиз, уйдагилар ҳам сўрашяпти" деганимни биламан, у жаҳл қилиб сўкиб юборди. Шу кун тонггача йиғлаб чиқдим. Онам "Тинчликми, нима гап ўзи? Куёв бирон нарса дедими?" деб сўрайвергач, тижорат ишлари юришмай қолгани учун келолмаётган экан, яқинда келаркан, деб алдашга мажбур бўлдим. Ўғлим олти ойлик бўлгунча бир мартаям сўрамади. Қариндош-уруғларимиз эса ота-онани мулаззама қилиб, "Кўрдигизми, ўз уйинг — ўлан тўшагинг, деганлар, ўзимизни ўзбекдан қўймасин. Неча марта айтдик, мусофирдан куёв чиқмайди, деб, мана оқибати" дея маломат қилишди. Менинг эса дардим ичимда, бу ёғи ўзим пиширган "ош"...

Уч йилки, отамникидаман. "Чиққан қиз, чигирикдан нари" деган мақолнинг мағзини энди чақаяпман. Лекин на илож, тақдиримда шундай синовлар ҳам бор экан. Ҳечдан кўра кеч, деганларидек, фарзандимга меҳрибон ота, ўзимга эса суянчиқ, йўлдош кераклигини ҳис қилганим учун охири сизларга мурожаат этишга мажбур бўлдим. Бу дардларимни сизлар билан бўлишиб, анча енгил тортидим. Нега десангиз, ҳатто энг яқин одамнингизга ҳам дардингизни ёрсангиз, тўғри тушунса-ку яхши, акси

бўлса-чи? 40 ёшгача бўлган, уйим-жойим дейдиган, касби-хунари бор, инсофли, диёнатли инсон билан оила қурмоқчиман.

**ҲИЛОЛА,
Сурхондарё вилояти.**

**АЙБ ФАҚАТ
АЁЛДАМИ?**

— Ўйланг, қайси бир ота-она ўз фарзандини бахтли-тахтли бўлишини истамайди? — дея сўз бошлади ҳузуримизга келган Анвар ака. — Мен ҳам гулдек қизимни бир дунё ёруғ ниятлар билан Нўъмон деган йигитга узатган эдим. Ўз боласини мақтаяпти демангу,



лекин қизим ҳамма билан тил топишиб кетадиган, мулоҳазали, оғир-босиқ. Балки у ҳам айрим шаддод аёлларга ўхшаб, ҳаётнинг турли ўнқир-чўнқирларига чап берадиган, уддабурон бўлганда бахтли ҳаёт кечириб кетармиди? Тўғри, Анора оиласини асраб қолиш учун кўп бора ҳаракат қилди. Қайнонасининг инжиқ феълига ҳам чидаб келди. Қизим, кейин эшитдим, ҳомиладор маҳали жуда кўп руҳий изтиробларни бошидан кечирган экан. Энг ёмони, чақалоқ ногирон туғилгач, қайнонаси ҳамма айб сенда, деб кўз очирмай қўйди. Қайнонасининг маломатлари ет-

Оила бекатидан

магандек, эри ҳам уни ёлғизлатиб қўйди. Охири қизим бечора чидолмади ва турмушининг омонат эканини тушунгач, ажрашишга мажбур бўлди. Нева-рамни тажрибали шифокорларга қаратдик. Ҳозир аҳволи жуда яхши. Қизим айна пайтда университетнинг сўнги босқичида ўқияпти. Уйдагилар ўзаро келишган ҳолда яқинда неварамизни ўзимиз билан олиб қолиб, уни турмушга узатишга қарор қилдик.

Аноранинг ёши 27 да. Касби таъин, иймонли, умр йўлдошини, фарзандларини кўз қорачигдек асраб-авайлайдиган 30-35 ёшлардаги уй-жойига эга бўлган йигит бўлса хабар берсангилар.

**АНВАР ака,
Тошкент шаҳри.**

**ОНАНИНГ ЎРНИ
БОШҚА ЭКАН...**

Укам Рашиднинг ёши 44 да. Икки ўғил, икки қизи бор. Болаларини ёлғиз ўзи тарбия қилаяпти. Келинимиз Саёҳат фарзандларига меҳрибон, қариндош-уруғларига оқибатли аёл эди. Пазандалик, чеварлик, ҳамширалик, деҳқончилик қилар, қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқ эди. Аммо бировга яхшилик қиламан деб ўзи бу дунёни тарк этди. Бир дугонасидан уқоқ қилишни ўрганиб олган экан. Кўшиеси сариқ касалга чалинган боласига муолажа қилиб қўйишини сўраса йўқ деёлмабди. Фалокатни қарангки, кўп ўтмай унинг ўзи ҳам сариқ касалининг оғир формасига чалиниб қолди. Кўргулик экан-да, шу дард унинг умрига зомин бўлди. Укамнинг уй-жойи етарли. Мўъжазгина хусусий қорхонасида болалари билан хизмат қилаяпти. Агар имкони бўлса, 35-40 ёшлардаги бефарзанд аёл чиқса, келин қилмоқчимиз.

**НОЗИМА,
Тошкент шаҳри.**

ТАХРИРИЯТДАН:

«Бахтли бўлинг» рўқнига хат йўллаётган ёки бевосита мурожаат қилаётган фуқаролар паспорт нухсаси ва яшаш жойидан (маҳалла кўмитасидан) маълумотнома тақдим этишлари шарт. Шунингдек, ажрашганлар бўлса, суд қарорининг нухсасини топширишлари талаб этилади.

МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОН: 234-25-46

**ЯЛПИЗ — ЮРАККА
МАЛҲАМ**

Ялпиз қадим замонлардан буён халқ табобатида кенг фойдаланиб келинаётган хосиятли гиёҳ ҳисобланади. У ошқўқ, зирavor, доривор сифатида ишлатилади. Таркибида эфир мойлари, ментол, ментон, пинен, фландрен, цениол, жасмин, шунингдек, органик кислоталар, флавоноидлар, каротин, рамзона, глюкоза, рутин, витамин С, минерал тузлар ва яна бир қатор моддалар мавжуд.

Ундаги эфир мойи фармацевтика sanoatida валидол, қарвалол, олеметин, энатин, анестезол каби препаратлар таркибига киритилган бўлиб, бу препаратлар юрак тож қон томирларининг тиришишига (спазма) ҳамда юрак касалликлари билан оғриган беморларга тавсия этилади.

Абу Али ибн Сино ялпиз билан ичак оғриқларини даволаган. Уни овқат ҳазмини яхшиловчи, гижжа ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, қайт қилишни қолдирувчи восита сифатида тавсия қилган.

Ялпизни кўкат сифатида турли таомларга қўшиш мумкин. Ундан тайёрланган сомса ва чучваралар инсон саломатлигини муҳофаза қилишда муҳим

Табиат — дорихона

аҳамиятга эга.

● Баргларининг дамламасидан тиш оғриғи, милк ялғизлигини даволашда қўлланилади.

● Ялпиз қайнатмасига қанд қўшиб тайёрланган қиём тутқаноқ (эпилепсия), ўсимлик шираси эса шақика ва сариқ касалига фойдали.

● Унинг шарбати кўтирни даволашда ижобий натижа беради.

● Ундан кўкракни юмшатиб, балғам кўчирувчи ҳамда нафас йўллари касалликларининг олдини оловчи восита сифатида фойдаланилади.

● 5-20 гр. гача ялпиз 200 гр. сув билан 15 дақиқа давомида қайнатилди. Сўнг докадан ўтказиб, шарбатидан кунига 2 маҳал овқатдан икки соат олдин ўт ҳайдовчи малҳам сифатида ичилади.

● Ундан доривор тайёрлаш учун ўсимлик гуллашидан олдин ёки айна гуллаётган даврда ер устки қисми ўриб олиниб, қуёш нуридан пана бўлган, баҳаво жойларда қуритилди. Қуритиб олинган махсулот қогоз қопчаларга жойлаштирилиб, қуруқ, салқин жойларда сақланади.

Латофат САЪДУЛЛАЕВА тайёрлади.

Фойдали маслаҳатлар

Ўзгина сут қўшилган сувда қайнатилган гулкарамнинг ранги чиройли бўлиб пишади.

Лавр япроғи, қалампир ва шунга ўхшаш зирavorларни овқат пишишдан 15 дақиқа олдин солганнингиз маъкул.

Ёғочдан ишланган ошхона анжомларини сирка аралашмаси билан ювиб турилса, микроблар пайдо бўлишининг олди олинади.

Кунига 100-150 грамм жигар истеъмоқ қилиб турсангиз кўриш қобилиятингиз су-саймайди.

Картошкани қовуришдан олдин иссиқ сувга солиб олинса, унинг пишиши тез-лашади.

Сут қайнатаётганда озроқ шакар солинса, (бир литр сутга бир чой қошиқ) у ириб қолмайди.

Туз ва сирка аралашмаси эмалланган идишларни тозалаш учун ажойиб восита ҳисобланади.

Гулноза БОБОЕВА тайёрлади.



ТАРБИЯНИНГ СИРИ БОРМИ?

Қадим замонда лутфи фикри қадар латиф бир донишманд ўтган экан. Кунларнинг бирида унинг олдида элда обрў-этиборли, бекар зотидан бўлган киши келиб, саломалиқдан сўнг тавозе билан аҳли донишга юзланиб, шундай савол билан муурожаат этибди:

— Наздимда, фарзанд тарбиясининг ҳам ўз сири борга ўхшайди. Бу қандай сирки, биз баъзан уни унутамиз ва йўл қўйган сусткашлигимиз сабаб йиллар давомида ноқобил фарзандимиз учун таъналар гирдобиди афсус чекамиз?

— Кимки дилбандини тўғри тарбияламоқчи бўлса, ўзини барча тарафи кўзгулар билан қопланган хонада деб билсин. **Зеро, фарзандлар ота-онага кўзгудирлар. Уларда бизнинг барча хатоу камчиликларимиз, эзгу хислатларимиз бирдек аксланади.** Сизни ташвишга солган жумбоқнинг ечими оддий: тарбияда ҳеч қандай сир-асрор мавжуд эмас. У кузатув ва таҳлил самараси ўлароқ юзага келади. Яъни ўз-ўзимизни кузатмоқ ва таҳлил қилмоқ фарзандимизни комил инсон сифатида тарбиялаш йўлидаги мағимиздир, — деб жавоб берибди донишманд.

...Ишбилармон ва саёхатчи қўшнимиз Мавлудахонни ён-веримиздаги маҳалла аёллари яхши танийди. У уйдабурон ва ҳар қандай ишнинг кўзини билади деганлар тоифасидан. Бу ёғи Хиндистону Япония, у ёғи Туркия, Арабистон бозорларини йилда икки-уч марта айланиб келади. Топиш-тутиши яхши. Уч қизи ва рўзгорларвар турмуш ўртоғини ҳам ҳеч нарсага зориқтирмайди.

Тунов кунни бир юмш билан уларни қискам, ўзи секин гап очиб қолди.

— Опажон, энди бундай тижорат сарфарларини тўхтатмоқчиман. Уйда ўтириб, шу қора кўзларимни тарбияламам бўлмайди. Дадаси ҳам чала қолган ишларини битирсинлар, — деб мени хайратга солди. Кўнглимдан ўтган савол тилимга кўчмай туриб, қарорини изоҳлай кетди: — Ўтган ой Япониядан қайтар чоғим аэропорлда бир ҳамюртимиз билан танишиб қолдим. Ўзи олма экан. Япон халқ мақолларини тадқиқ қиларкан. Менга уларнинг ўзига хос яшаш тарзи, урф-одатлари тўғрисида

тўлиб-тошиб гапирди. Унинг айтишича, япон оилаларида «Бола тарбиясида отадан уч улуш, онадан етти улуш» деган мақолга қаттиқ амал қилинаркан. Аввалига унинг гапларига эътибор бермадим. Уйга келгач, белидаги белбоғини фартукча алмашган, дам кир ювишга, дам овқат қилишга уннаётган турмуш ўртоғимни, ойижон, ойижон, яхши келдингизми, сизни соғиниб кетдик-ку, дея бўйнимга осилган қизларимнинг кўзларида меҳримга ташналикни кўриб... шунақа хўрлигим келдики, сўз билан



изоҳлай олмайман.

Негадир халиги олиманинг айтган сўзлари хаёлимда қайта жонлана бошлади: **Бола тарбиясида отадан уч улуш, онадан етти улуш...** Худди биздаги «Арқоғини кўриб бўзини, онасини кўриб қизини ол» деган мақолга ўхшаркан. Бозордан-бозорга оғир юк кўтариб, уч-тўрт сўм топиш илнжиди шу қизларим учун ҳаракат қилаялман, деб юрарканман-у, аслида уларга биринчи галда оналик меҳрини беришим, ҳар бир ишда ибрат бўлишим кераклигини ўйламас эканман. Савдо-сотикқа андармон бўлиб, оиламдан маънан йироқлашганимни энди тушундим...

Ҳар доим бозордаги нарх-наво, кийим-кечак ҳақида бир гапириб, ўн қуладиган, ҳаммани оғзига қаратиб ўтирадиган Мавлудахон тамомила ўзгарган эди. У қизлари тарбиясидаги ўз ўрнини кеч бўлса-да, англаб етганидан қувондим. Ахир боланинг суяги мактаб, оила ва маҳаллада қотади. Ўзининг атрофидаги одамларга тақдир қилиб, уларга ўхшашига интилиб яшайди. Бу борада ота-оналар биринчи галда боласига ибрат бўлиши керак, деб ўйлайман.

Кейинги пайтларда, минг афсуски,

сийлаштирилишига розилик берган шахсларнинг нотариал тартибда тасдиқланган ёзма розилиги талаб қилиниши қайд этилган.

**Саволга Навоий шаҳар
1-сон ДНИ нотариуси
Д. ХУЖАНОВА жавоб берди.**

ҚАЕРДА ЯШАЁТГАН БЎЛСА...

Бир қариндошимиз чет эллик фуқарога турмушга чиққан эди. Яқинда эшитдим, улар ўртасида тузилган никоҳ бекор қилинибди. Бундай пайтда қайси давлат қонунларига амал қилинади?
К. Юлдашева.

Никоҳни бекор қилиш тўғрисидаги

Кўзгу

мана бундай гап-сўзлар ҳам қулоққа чалинмоқда:

«Ўғлим, аввал ҳисоб-китобни ўрган, ҳамма гап савдода, кейин ўқийверасан, пул бўлса чангалда шўрва дейдилар».

«Ўзи мактабинг қаерда жойлашган, бугун ота-оналар мажлисига қақришибди. Ўқишларинг яхшими ишқилиб?»

«Кўй, қизим, бу китобни нима қиласан, нархи қиммат экан. Шунинг пулига сенга чиройли кўйлак олиб берсамчи...»

Дарвоқе, гуруч курмаксиз бўлмаганидек, орамизда ана шундай тор фикрловчи, қалтабин одамлар ҳам бор. Улар қаршимизда турган мурғак дилдаги орзуларни пайхон қилишга-да қодирлиги ҳақида сира ўйлаб кўрмаганмиз. Баъзан эса лоқайдлигимиз сабаб фарзандларимиз феъл-атворида юзага келган нуқсонларда боғча, мактаб ёки коллеждаги устоз-мураббийларни айблашгача борамиз.

Малоҳат Раҳмонова, ўқитувчи:

— Ўқувчиларга ўқиш, ёзиш ва ҳисоблашни ўргатиш билан бирга, одоб-ахлоқдан ҳам сабоқ бериш инсоний ва касбий бурчимиздир. Биз педагоглар илм масканидаги таълим жараёнини тарбия билан узвий равишда олиб борамиз. Болаларга мактабда берилган тарбия ва таълим уйда ҳам давом эттирилиши учун оила катталари масъул. Ота-оналар билан ҳамкорлик мазкур жараёнда ижобий ютуқларга эга бўлишимизга замин ҳозирлайди.

Фарзандим мактабда ё коллежда ўқияпти-ку, деб болани ўз ҳолига ташлаб қўйиш хато. Чунки, фарзандлар кунинг ўртача 6-8 соатини таълим масканида ўтказса, қолган вақтда оила ва яқинлар даврасида бўлади. Маиший ташвишлар, иқир-чиқирлар аро ўралашиб қолган она, эрталабдан-кечгача оила тебратиш баҳонасида кўчада юрувчи ота ҳар кунни ҳеч бўлмаганда уй вазифасини бажаришга ёрдамлашиш баҳонасида ундан бугун нималарни ўргангани, қандай дарслар ўтганини сўраб, оғина бўлса-да гурунглашса олам гулистон бўларди. Шу қисқа вақтдаги гапириш оҳангимиз, муомаламизу қарашларимиздан фарзандларимиз ўзларига олам-олам таассурот олади-лар. Шунингдек, дилбандларга нисбатан эркалаш, қаттиққўллик ва сахийлик ўз меъёрида бўлиши керак.

**Маърифат АБДУҲАМИДОВА,
журналист.**

Савол-жавоб

ишлар кўрилатганда аввало, ариза эр-хотин томонидан тақдим этилган пайтда уларга турмуш қуришдан аввал қайси давлат фуқаролиги белгиланган бўлса, шу давлат қонунчилиги асосида хал этилади. Агар эр-хотиндан бири бир давлат фуқароси, иккинчиси бошқа давлат фуқароси бўлса, никоҳни бекор қилиш учун муассаса жойлашган давлат қонунчилиги қўлланади. Агар улардан бири бир давлат ҳудудиди, иккинчиси бошқа давлат ҳудудиди яшаб юрган бўлса, никоҳни бекор қилиш бўйича иккала давлатнинг ваколатли давлат органларига муурожаат қилишлари мумкин.

Саволга Томди тумани ФХДЁ бўлими мудири Насиба ТУРЕМУРАТОВА жавоб берди.



СПОРТ...СПОРТ...СПОРТ...

ПРЕЗИДЕНТ СОВФАСИ ТОПШИРИЛДИ

Халқаро хотин-қизлар кунин арафасида шахмат бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, халқаро гроссмейстер Нафиса Мўминовага мамлакатимиз Президенти совфаси топширилди.



Олти йилдан буён Ўзбекистон терма жамоаси сафида халқаро мусобақаларда иштирок этиб келаётган Нафиса 2008 йилда 18 ёшгача бўлган қизлар ўртасида Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритди. Кўплаб халқаро турнирларда биринчи ўринни эгаллади. 2010 йилда йигирма ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли тўртликдан жой олди. Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида ўтган ёғи Осиё ўйинларининг жамоавий бахсларида терма жамоа аъзолари билан бирга кумуш медални қўлга киритди. 2011 йили Марказий Осиё кубоги ва 2012 йил Тошкентда ўтказилган "Тошкент опен" халқаро шахмат турнирида хотин-қизлар ўртасида голиб бўлди.

Халқаро шахмат федерацияси яқинда Нафиса Мўминовага халқаро гроссмейстер унвони берилганини эълон қилди.

Ўзбек қизлари ўртасида биринчи бўлиб ушбу унвонни қўлга киритган Нафиса Мўминова Президентимиз Ислам Каримов совфаси — замонавий компьютер билан тақдирланди.

БЕКХЭМ — БОЙ ФУТБОЛЧИ

Дэвид Бекхэм бутун сайёраимизнинг футболчилари орасида ўз бойлиги билан биринчи ўринни эгаллаб турибди.

Бекхэмнинг ҳозирги бойлиги 175 миллион фунт стерлингни ташкил қилмоқда, бу замонавий футболнинг энг бой футболчиси Лионель Мессидан 60 миллионга ортқроқ. Companies House барча футболчилар пулларини ҳисоблаб чиқди.

1. Дэвид Бекхэм — 175 миллион фунт стерлинг
2. Лионель Месси — 115 млн
3. Криштиану Роналду — 112 млн
4. Кака — 66 млн
5. Роналдиньо — 63 млн
6. Самуэль Это'О — 52 млн
7. Уэйн Руни — 50 млн
8. Златан Иброхимович — 47 млн
9. Ривалдо — 45,5 млн
10. Рио Фердинанд — 42 млн

Интернет манбалари асосида
Илҳом ЖУМАНОВ тайёрлади.

ТАЛАБ ЎРИНЛИ

Мени номимдаги квартирада хусусийлаштириш даври, яъни 1997 йилда жияним рўйхатда турган эди. Унинг алоҳида уй-жойи бор, рўйхатдан чиқиб кетганига анча бўлди. Мен уйимни ўғлимга ҳада қилмоқчи эдим, лекин жиянимнинг розилигини талаб қилишди. Шу тўғрими?
М. Алимов.

Жиянингиздан розилик талаб қилиниши асосли. Чунки хусусийлаштириш вақтида у сизнинг квартирангизда рўйхатда бўлган. Нотариуслар томонидан нотариал ҳаракатларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Йўриқнома-нинг 80-бандида уй, квартира, уйнинг ёки квартиранинг бир қисмининг хусу-

Муассислар: Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, «Болалар ва оилаларни қўллаб-қувватлаш» ассоциацияси (Болалар жамғармаси) ва «Соғлом аялов учун» халқаро хайрия жамғармаси

Тахририятга келган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди. Реклама материаллари мазмунини учун тахририят жавобгар эмас.

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти — 15:00. Босишга топширилди — 15:00

E-mail: oilavajamiyat@sarkor.uz

ISSN 2010-7609

**Бош муҳаррир:
Норқобил ЖАЛИЛОВ**

Навбатчи муҳаррир — Ҳамроҳон МУСУРМОҶОВА

Саҳифаловчи — Илҳом ЖУМАНОВ

Мусаҳҳихлар — Саидғани САЙДАЛИМОВ,
Гулноза БОБОЕВА

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент — 100000. Амр Темур кўчаси
1-тор кўча, 2-уй. Мўлжал: Олой бозори ёнида

Web-site: oilavajamiyat.uz

123 5

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида
0169-рақам билан 11.01.07 до рўйхатга олинган. Буюртма Г — 328. Формати А-3, ҳажми 2 табоқ. Адади — 10580. Баҳоси келишилган нарҳда.

ОБУНА ИНДЕКСИ — 176

Қабулхона: (тел-факс) 233-28-20
Котибият: 234-76-08
Мухбирлар: 233-04-50
«Оила» бўлими: 234-25-46